







9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

“Ўғлим, ҳушёр бўл. Ҳеч қачон ўзлигингга хиёнат қилма. Умидим сендан. Чирогимни ёқилгин керак. Илоҳим, ой бориб, омон қайт”. — 1942 йилда отам айтган бу сўзлар худди кечагидек асимда, — дейди Шофирқон туманида туғилиб ўсган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Аминжон

Аҳмеджонов. — Ҳарбий қисмимиз қуршовга тушиб қолган, тақдиримиз қил устида турган паллада ҳам, оғир ярадор бўлиб жон талвасасига тушган кезларимда ҳам, очликдан силлам қуриб, бир бурда нонга зор юрганимда ҳам шу сўзларни унутмадим. Отам дуосини юрагимда тумор каби асрадим”.

ЧИРОҒИ ЎЧМАГАН УЙ

Қирк йил қирғин бўлса ҳам, киши пешонада борини кўра экан. Аминжон ака тўрт йиллик айрилиқдан сўнг 1946 йилда она юртга қайтди. Дийдорлашувдан сўнг наزاری урушга кетаётди, онаси ўзига тишлатиб қолган нонга тушди. Уни кўзларига суртди. Шу кунларга етказганига шукрона айтди.

лачиллик, чорвачилик соҳаларида ишлади. Уйланди. Турмуш ўртоғи Ҳамидахон билан бир эмас, ўн бир фарзанд кўрди. Ота ёққан уйнинг чироғи ўчмади. Аини дамда 94 ёшда бўлган Аминжон Аҳмеджонов шунисига хурсанд. Невара, чевара, эварларини санаб адоғига етолмайди. “Икки юз нафарга етиб қолиши-ёв”, деб қўяди.

Уруш тугаганидан ўргилай, — дейди отахон. — Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон. Биз, кексалар эл-юрт ардоғидамиз. Утган йилги байрамни бир гуруҳ қурол-

дошларим қатори Тошкентда кутиб олиш, Президентимиз билан суҳбатлашиш бахтига муассар бўдим. Давлатимиз раҳбарининг Иккин-

Уруш тугаганидан ўргилай, — дейди отахон. — Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон. Биз, кексалар эл-юрт ардоғидамиз. Утган йилги байрамни бир гуруҳ қурол-

дошларим қатори Тошкентда кутиб олиш, Президентимиз билан суҳбатлашиш бахтига муассар бўдим. Давлатимиз раҳбарининг Иккин-



Истам ИБРОҒИМОВ («Халқ сўзи»). Муаллиф олган сурат.

«КЎКСИМИЗДА — ШОН-ШАРАФ РАМЗИ»

Гулистондаги “Юрт байроғи” майдонида “Шараф лентаси” улашиш акцияси бўлиб ўтди. “Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият” шiori остида ташкил этилган тадбирда ёш кексалар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

— “Шараф лентаси”ни кўксимга тақар эканман, тинчлик, бугунги фаровон кунлар учун курашган аждодларимизга нисбатан яна бир бор фахр-ифтихорни ҳис қилдим, — дейди Зулфия номидаги Давлат муқофоти соҳибаси, аёллар ўртасида шахмат бўйича халқаро грoссмейстер Сарвиноз Қурбонбоева. — Бу йилда заҳмат чекканларнинг меҳнати улуг, жон берганларнинг хотираси азиздир.

дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Озода Абдуллаева. — “Шараф лентаси” Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг шарафли хизматлари ифодаси, қаҳрамонликлари тими солидир. Юртдошларимиз уни кўксиларига жасорат рамзи сифатида юксак гуруҳ билан тақшмоқда.

Тиббиёт

ЭНГ ТАЖРИБАЛИ ҲАМШИРА

“Ҳамшира — 2019” танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 22 нафар ҳамшира ўзаро беллашди. Иштирокчилар саҳнада ўзи, касби, яшаётган худуди тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш баробарида, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар борасидаги билимларини намойиш этишди.

Сўнгра уларнинг назарий ва амалий кўникмалари синондан ўтказилди. Яқунда Қорақалпоғистон Республикаси силга қарши курашиш болалар санаторийси ҳамшираси Дилбар Сапарбаева голиб, деб топилди. Кейинги ўринлар Кейгейли тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Салтанат Жолдасбаева ҳамда Эллиқалъа тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Шаҳноза Бекжановага насиб этди.

Хидоят АҲМЕДОВ («Халқ сўзи»).

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЛОЙИҲАЛАР

АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯХШИЛАБ, ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Бугун Навоий вилоятида ҳам, энг аввало, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Натижада худудда йиғилиб қолган ижтимоий масалалар ўз ечимини топиб, айниқса, эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жой шароитлари тубдан яхшиланяпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида раҳбар ходимлар учун 60, профилактика инспекторлари учун 209, ҳарбий хизматчиларга 84, Ёшлар иттифоқи фаоллари учун 48 та уй қурилиб, вилоят бўйича жами 7 минг нафар фуқаро тураржой билан таъминлангани бунга ёрқин мисол бўла олади.



Муаллиф олган сурат.

Бунёдкорлик

Одамларнинг уй-жойга бўлган талаби изчиллик билан қаноатлантирилиши кўпалаб ижтимоий муаммоларнинг олдини олади. Шу жиҳатдан, тураржой таъминотидаги эзгу амаллар ипотека кредитлари асосида ҳам амалга ошириляётгани, бунда хусусий қурилуш корхоналари муҳим роль ўйнаётгани эътиборга моликдир. Масалан, тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилда 8 та кўп қаватли уй қурилиб, юзлаб оилалар ўз хонадонига эга бўлди. Жорий йилда эса 16 та кўп қаватли тураржой бунёд этилиши ҳисобига 676 та оиланинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи қаноатлантирилди.

ларни реконструкция қилиш ишлари олиб борилди. — Айни пайтда “Газобетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳаси устида саъй-ҳаракат олиб боряёмиз, — дейди корхона иш қурилувчиси Фаррух Халилов. — Унинг аҳамияти импорт ҳажмини қамайтиришдир. Чунки ҳозиргача юртимизда газобетон тайёрланмасди. Бу маҳсулот оддий гишлардан ҳам жихатидан беш-олти баробар катта. Шунинг хисобига қурилуш мuddатини тўрт бараваргача қамайтириш имконияти вуқудга келади.

Бундан ташқари, “Zarafshan Golden Group” масъулияти чекланган жамияти томонидан Хитойнинг “Linyi Dngyue Ipm&Exp Co LTD” компанияси билан 4,2 миллион АҚШ доллари тенг, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 150 000 куб метрни ташкил қилувчи гишт ўрнини босувчи замонавий деворбоп маҳсулотлар тайёрлаш лойиҳаси рўбга чиқарилмоқда. Унинг доирасида 100 га яқин иш ўринлари яратилиб, экспорт саноҳати ошади.

Испаниянинг “Resimat” компанияси билан ҳамкорликдаги “Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳаси ша-

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ЯНГИЛИКЛАРИ

ЕВРОПА УНИВЕРСИТЕТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида “Европа университетлари билан ҳамкорликда қўшма диплом дастурини ташкил этиш усуллари ва истиқболлари; қўшма таълим дастурларини ривожлантириш ва жорий этиш жараёнлари” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда Европа Иттифоқи экспертлари, Болонья университети вакиллари, мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилари иштирок этди.

ЖАҲОН БАНКИ МОЛИЯЛАШТИРАДИ

Жиззах политехника институти профессор-ўқитувчиларининг “Электроникадан қўшма ўқув лаборатория ва касб-хунарга йўналтириш маркази яратилиш” лойиҳасига Жаҳон банкининг 100 минг АҚШ доллари ажратилди дегани бўлди.

— Лойиҳа “UMS”, “Ucell”, “Roison Home White Goods” компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилади, — дейди Жиззах политехника институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича ректори Сирождидин Тавбоев. — Шунингдек, электроника бўйича қўшма ўқув лаборатория ташкил этилиб, мактаб, лицей ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини касб-хунарга йўналтириш марказларига асос солинади.

Андижон машинасозлик институтининг “Ўзбекистонда “Мехатроника ва робототехника” бакалаврият таълим йўналишини инновацион гоғлар ва рақамли технологиялар асосида модернизация қилиш” лойиҳаси Жаҳон банки томонидан молиялаштирилди.

— Лойиҳанинг давомийлиги 16 ой, — дейди институт ректори Уктамон Саломов. — Бу мамлакатимизда янги авлод муҳандисларини инновацион таълим асосида тайёрлашга хизмат қилади.

Шунингдек, институт профессор-ўқитувчиларининг Санкт-Петербург политехника ва Шимолий Хитой технологиялар университети билан малякани ошириш, “Форсайт — мехатроника” марказини ташкил этиш, веб-сайтлар яратиш каби ишларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТАДИГАН МАРКАЗ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси кузурдаги “Эл-юрт умиди” жамағатмаси билан ҳамкорликда Хорижий тилларни интенсив ўқитиш маркази иш бошлади.

Ушбу муассасага жорий йилнинг 1 майдан бошлаб тингловчилар қабул қилинади. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 100 нафар тингловчи тил билиш даражаларини яхшилаш имконига эга бўлади. Аввало, га дарслар инглиз, немис ва француз тиллари, кейинчалик эса яна қўшимча тиллар бўйича ҳам йўлга қўйилади.

Курслар дастури Ўзбекистондаги Британия кенгаши, Тошкент халқаро Вестминстер университети мутахассислари ҳамда чет тилларни ўқитиш бўйича Буюк Британиялик мутахассис Род Боллойд билан биргаликда яратилган. Умум-европа тил компетенциялари талаблари ва республикадаги ОТМлардан 300 га яқин профессор-ўқитувчилар билан ўтказилган сўровнома натижасига кўра, замонавий ўқув адабиётлари, онлайн ўқиш имкониятларини кенг қўллаган ҳолда тузилган курс 4 ойга мўлжалланган.

Дилмурод СОДИҚОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

РЕКЛАМАЛАР

Advertisement for Bobcat equipment and TOW Co., Ltd. services. Includes images of Bobcat skid steer loaders and a list of services in Uzbek and Russian.

Advertisement for PROFNASTIL roofing materials. Lists various types of galvanized and polymer-coated roofing sheets with technical specifications and contact information.

Advertisement for the company 'Sharq' (Шарқ) located in the Darixta district of Tashkent, offering various services.

Advertisement for 'XALQ SŪZI'GA' (Халқ сўзига) agency, offering advertising and PR services.

Footer section containing contact information for 'Xalq Sŷzi' newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.